O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 19-AVGUST ■ PAYSHANBA ■ 97 (27.272) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.




# ЎЗБЕК СЕНАТИ

## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ — СЕНАТНИНГ МАЪМУРИЙ БИНОСИ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган муҳташам бу иншоотни «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси буюртмасига кўра бош пудратчилар — 12-ва 159-трест акциядорлик жамиятлари ҳамда Югославиянинг «Энергопроект» холдинг компанияси қурувчилари бунёд этишаётир.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг ноябрь ойига қадар ниҳоясига етказилиши мўлжалланган. Шу мақсадда етти юз нафар қурувчи икки сменада астойдил меҳнат қиляпти.

Сенат мажлисларида бошқа давлатлар ва ҳукуматлар, парламент делегациялари раҳбарлари иштирок этиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилишини ҳисобга олиб, бино меъморий ечими жиҳатидан ҳам жаҳон андозаларига ҳамда миллий анъаналаримизга мос бўлиши таъминланмоқда.

Кошонанинг олди қисмида фавворалар ва ҳовузлар барпо этилади. Бинонинг олд қисмида маҳобатли устунлар ўрнатилиб, тепасида қадимий шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларидан ҳисобланган уч гумбаз қад ростлайди.

Безак ва нақшларни «Усто» уюшмасининг қўли гул ҳунармандлари ишлаяпти. Улар замонавий архитектуранинг қадимий миллий анъаналаримизга мутаносиб ва ҳамоҳанг бўлишини назарда тутиб, такрорланмас уйғунликка эришмоқдалар.

Бинога Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам жойлашади. Зеро, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг Конституциямизга нечоғли мослигини аниқлаш айнан шу муассаса ваколатига киради.

— Ҳозиргача қурилишда беш минг тоннадан зиёд металл ишлатилди, — деди 12-трест иккинчи механизациялашган кўчма бошқармаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамуҳаммедов ЎзА мухбирига. — Темир-бетон конструкцияларИ, махсус ойна, пластмасса маҳсулотларидан кенг фойдаланилгани бинонинг замонавий кўриниш касб этишида ва ўта мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборли томони, қурилиш маҳсулотларининг барчаси юртимиздаги корхоналарда маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда тўрт қаватли иншоот биринчи қаватининг ташқи қисми қизил гранитдан қопланди ва қолган уч қавати оқ мармар билан пардозланади. Ишнинг аниқ ва тўғри олиб борилиши ягона тармоққа уланган компьютер тизими орқали тўлиқ назорат остига олинган.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

✧✧✧





**Суратларда:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатнинг маъмурий биноси қурилиши давом этмоқда; геодезист Ҳасан Валишев.

# БЎЛАЖАК САЙЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

## Олий Мажлисда икки палатали парламентни сайлаш арафасида Ўзбекистон электорати (социологик таҳлил)га бағишланган йиғилиш бўлди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, социолог, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар ҳамда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев, парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Сайловчилар ўз иродаларини эркин ифода этиш ва овоз беришнинг сир тутилиши ҳуқуқига эга. Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосига қурилади. Ҳар бир сайловчи сайлов жараёни давомида сайлов округлари ва участкаларининг тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби ва уларнинг иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатдан ўтказиш якунларига, овоз бериш ва сайловларга оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Ҳар бир фуқарога ўз сайлов ҳуқуқларини судда ҳимоя этиш, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имконияти кафолатланади.

Йиғилишда икки палатали парламентни сайлаш арафасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари юртимиз фуқаролари Олий Мажлисга бўлажак сайловдан, мамлакат парламенти ислоҳ қилинишидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонундан хабардор эканини кўрсатгани қайд этилди. Сўров давомида аҳолининг Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятидан хабардорлик даражаси, фуқаролар кимларни бўлажак депутатлар сифатида кўрмоқчи экани, қайси оммавий ахборот воситалари ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланиши аниқланди.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолиятининг фаоллашиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Фуқаролик жамияти ривожланишининг мазкур босқичида бўлажак сайловларнинг натижалари учун бутун жамиятнинг масъулияти янада ошади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказиладиган сайлов ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим босқич экани алоҳида қайд этилди.

**(ЎзА)**

# ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлди.

Мазкур қўмита раиси М.Сафаева бошқарган йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Йиғилишда «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди.

Пойтахтимизда аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тиббий муассасалар томонидан аҳолига тез психиатрия ёрдами, консультатив-диагностика, даволаш, экспертиза ўтказиш, психопрофилактика ва ижтимоий ҳуқуқий ёрдам ташкил қилиш ишлари олиб борилаётир.

Шу билан бирга мазкур қонун ижросини таъминлаш борасида айрим камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги ҳамда уларни бартараф этишга эътибор қаратилди.

**(ЎзА)**

### Партия ташкилотлари ҳаётидан

# «ЖАМИЯТ ВА АЁЛ»

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамда туман марказий маслаҳат-ташҳис поликлиникаси ҳамкорлигида «Жамият ва аёл» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди.

Ҳаётда рўй бераётган янгиланишлар, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишда, ҳуқуқий, сиёсий, маданий тафаккурни шакллантиришда ҳар бир фуқаро фаоллик кўрсатадиган фурсат етди. Тадбирни уюштиришдан мақсад ҳам ана шундай эзгу ишларга қаратилган эди.

«Давра суҳбати»да Олий Мажлис депутати Бўритош Шодиева, ХДП Марказий Кенгаши қошидаги Хотин-қизлар шўъбаси масъул ходими Дилором Алиева, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Гулноза Сатторова, Сирғали туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси раҳбари муовини Гулбаҳор Маметова ҳамда туман кенгашининг биринчи котиби Лола Исматова икки юздан зиёд тиббиёт ходимларига мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловлар, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлашда хотин-қизларнинг, ёшларнинг ўрни ва вазифалари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

**Зуҳра ҲАКИМОВА**

• • •

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ҳузуридаги хотин-қизлар шўъбаси Қува туман марказида «Жамият ва аёл» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди. Тадбирда шўъба аъзолари билан бирга халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, олимлар, партия фаоллари иштирок этиб, хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, яқинлашиб келаётган сайловолди кампаниясида уларнинг иштирокини кучайтириш масалалари ҳақида фикрлашдилар. Суҳбат давомида қишлоқ ва маҳаллаларнинг қатор фаол аёллари мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

# МАЪРИФАТ СОАТИ

ЎзХДП Урганч туман кенгаши туман ички ишлар бўлимида «Ўзбекистонда демократик жамият қуришда сиёсий партияларнинг роли» мавзуида маърифат соатини ташкил қилди. Унда иштирок этган партия фаоллари республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг сиёсий жараёнлардаги роли, сайловлар арафасида ХДП ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

# «ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИ»

## АФИНА РИНГЛАРИДА БОКСЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШМОҚДА

Грецияда ўтаётган XXVIII ёзги олимпиаданинг олтинчи кунги баҳслари ниҳоясига етди. Унда ҳамюртларимиз сузиш, дзюдо, академик эшкак эшиш ва бокс турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Афина сафари олдидан Ўзбекистон сузиш федерацияси бош котиби Александр Гнедовский: «Олимпиадага энг кўп йўлланмаларни сузувчиларимиз қўлга киритган. Уларнинг аксариятини эса эндигина 17-18 ёшга тўлган йигит-қизлар ташкил қилади. Афинадаги баҳслар улар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз. Биз улардан Пекин олимпиадасида албатта медаллар кутамиз», дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Греция сузиш ҳавзаларидаги баҳсларда қатнашаётган 15 нафар вакилимизнинг аксарияти финал босқичига чиқа олмади. Спортнинг мазкур тури бўйича «улоқ» ни асосан Украина, Голландия, Германия, АҚШ, Австралия сингари давлатлар вакиллари илиб кетди. Ишонамизки, умидли ёшларимиз 2008 йили Хитойда бўладиган навбатдаги Олимпия ўйинларида ўз сўзларини айтишади.

Стол тенниси бўйича илк маротаба олимпиадага йўлланма олган Манзура Иноятова ҳам ўзини кўрсата олмади. Дзюдочиларимиз Санжар Зокиров (60 кг.), Мурат Каликулов (73 кг.), Рамзиддин Саидов(81 кг.)ларда эса совриндор бўлиш учун тажриба етишмади.

Мутахассисларимиз спорт гимнастикаси бўйича Барселона олимпиадаси чемпиони Оксана Чусовитинадан ҳам медаль кутишаётганди. Бироқ, тажрибали спортчининг машғулотлар чоғида орттирган жароҳати мусобақада тўла имконияти даражасида қатнашишига тўсқинлик қилди. Натижада Оксана Афина билан барвақт хайрлашадиган бўлди.

«Чарм қўлқоп» усталаримиз эса Афина рингларида маҳорат кўрсатиб, барчани лол қолдирмоқда. Дастлабки учрашувларда Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.)ларнинг ғалаба қозонганликларини аввал хабар қилгандик. Сўнгги икки кунда боксчиларимиздан Бекзод Хидиров (57 кг.) ва Тўлашбой Дониёров (51 кг.)лар ҳам ўз рақиблари устидан зафар қучдилар.

Жаҳон чемпионати совриндори покистонлик Сухайил Аҳмадга қарши рингга чиққан Бекзод рақибини 28:8 ҳисобида мағлубиятга учратиб, муддатидан илгари учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Бунгача венесуэлалик боксчини шу тарзда енгган Шерзод Ҳусанов мутахассислар эътирофига сазовор бўлганди.

Олимпиада баҳсларидан олдин боксчимиз Тўлашбой Дониёров (51 кг.) мухбиримизга берган интервьюсида ўз вазн тоифасида филиппинлик Паула Виалетта Афинада унга асосий рақиб бўлишини алоҳида таъкидлаганди. Бахтни қарангки, қуръага кўра, олимпиадада Тўлашбой илк учрашувдаёқ айнан Виалеттага рўбарў келди. Кўтаринки руҳда рингга чиққан ҳамюртимиз эса терма жамоамизнинг бошқа аъзолари сингари ушбу жангда ғалаба қозонди — 36:24. Шунингдек, қуръага мувофиқ, яна бир вакилимиз ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, 19 ёшли Баҳодиржон Султонов нимчорак финал баҳсига тўғридан тўғри йўлланма олди.






Кеча кечқурун эса яна икки ҳамюртимиз — Игорь Алборов (91 кг.) ҳамда Рустам Саидов(+91 кг.) илк учрашувларини ўтказишди. Унда мисрлик Элсаид Муҳаммад Алборовга қарши рингга чиққан бўлса, Сидней олимпиадаси бронза медали соҳиби Рустам Саидов кубалик Лопес Нунес билан куч синашди. Афина олимпиадасида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилаётган тўққизинчи боксчимиз Дилшод Маҳмудов (64 кг.) эса биринчи учрашувни бугун ўтказади.

Шу ўринда айтиш жоизки, боксчиларимизнинг нуфузли мусобақани фақат ғалаба билан бошлаганликлари уларнинг жаҳон «чарм қўлқоп» мутахассислари томонидан «Осиё йўлбарслари» деб эътироф этилишига сабабчи бўлди. Ҳамюртларимизга кейинги босқичларда ҳам фақат омадлар тилаймиз.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратда:** боксчимиз Тўлашбой Дониёров.
**Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА.) олган сурат.**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

## ПАРТИЯСИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Қонуннинг 12-моддасида ногиронларнинг транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектларидан фойдалана олишини таъминлаш вазифаларини бажармаганлик учун иқтисодий жавобгарлик масаласи ҳам назарда тутилган. Қўмитамиз томонидан қатор қонунларнинг жойлардаги ижроси доимий тарзда кузатиб борилади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси Хоразм вилояти мисолида ўрганилганда вилоятда охирги йилларда қурилган ва фойдаланишга топширилган айрим объектларда ногиронлар кириб-чиқиши, фойдаланиши учун махсус қулайликлар кўзда тутилмаганлиги маълум бўлди. Айрим иншоотлардаги яратилган махсус йўлаклар эса мавжуд меъёрий талабларга жавоб бермайди.

1997 йил 25 апрелда «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра шаҳар йўловчилар транспорти жамоавий ёки хусусий мулк асосида ишлайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, шаҳар йўловчилар транспорти фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиши, йўловчилар эса ўз навбатида транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатиши шарт.

Шартномага биноан ташувчиларда имтиёзли тарзда бепул транспортдан фойдаланувчи йўловчиларнинг рўйхати бўлиши ва улар бундай йўловчиларни ҳар қандай тўсқинликларсиз манзилларига элтишлари лозим.

Мазкур Қонун ҳужжатлари ҳамма жойда ҳам бирдай ва тўлиқ бажарилмаяпти. Тошкент шаҳрида давлат тасарруфидаги шаҳар транспорт воситалари нисбатан кўп бўлгани учун бу Қонун амалда ўз ижросини топмоқда. Лекин баъзи вилоятларда хусусий транспорт воситалари эгалари Қонуннинг юқорида қайд қилинган талабларига риоя қилмаяпти. Бу эса, албатта, ҳақли норозиликларга сабаб бўлмоқда.

**Ойбек ИСОҚОВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси:**

— Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан буён ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Мисол учун, 1991 йилда «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун, 1995 йилда эса «1996-2000 йилларда ногиронларни ижтимоий реаблитация қилиш ва ҳимоялаш» Давлат дастури қабул қилинди. 1991 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ташкил этилди. Унинг асосий мақсадларидан бири ногиронларнинг ижтимоий муаммоларини ечишда уларни

3

қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлар ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларда давлат органлари билан иш олиб боришдир. Лекин охирги йилларда ногиронлар ва Ногиронлар жамияти бир қанча муаммоларга дуч келмоқда.

Конституциянинг 39-моддаси 2-бандига мувофиқ «Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас». Аммо ушбу конституциявий талаб бугунги кунда бажариляпти деб бўладими? Ногиронларга берилаётган пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар яшаш учун лозим бўлган миқдорга тенглаштирганми? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш лозим.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини нафақа билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ болаликдан ногиронларга 18 ёшга қадар ижтимоий ёрдам пули тўланиши, 18 ёшдан кейин ногиронлик нафақаси тўланиши лозим. Лекин шу нафақани олиш учун, қонун бўйича у бир йил иш стажига эга бўлиши лозим. Савол туғилади: агар ногирон меҳнатга лаёқатсиз бўлса, ҳаракатлана олмаса, у бир йил иш стажига қандай қилиб эга бўлади? Ушбу қонун талаби Конституциянинг 39-моддасига яъни ҳар бир шахс агарда у меҳнатга лаёқатсиз бўлса, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга, деган қоидасига зид эмасми?

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида Вазирлар Маҳкамасига солиққа тортилмайдиган «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш Фонди»ни ташкил қилиш вазифаси юклатилган эди. Ушбу Қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлишига қарамай, бу вазифа ҳозирги кунга қадар унинг бу моддаси талаби бажарилмай келинмоқда. Агарда ушбу Фонд ташкил қилинганда ногиронларни ҳимоялаш йўлидаги бир қанча дастурларни молиялаштириш имкони туғиларди.

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ давлат органлари томонидан ногиронлар ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилаётганда ногиронларнинг жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилиши зарур. Аммо, негадир бу қоидага ҳам риоя қилинмайди.

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасига кўра, ногиронларга транспорт хизмати кўрсатиш бепул ёки имтиёзли равишда олиб борилади. Афсуски, ушбу Қонун бир неча тоифадаги ногиронларга қўлланилади, холос. Буларга кўриш бўйича 1-гуруҳ ногиронлари, Чернобилчи ногиронлар, уруш

4

ногиронлари киради. Қолган тоифадаги, яъни болаликдан ногиронлар, бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлган ва бошқа ногиронлар шаҳар жамоат транспортидан фойдаланиш учун ойлик йўл чипталари сотиб олишга мажбурлар. Ушбу чипталар 8 минг сўм атрофида туради, ногироннинг ўртача нафақаси эса 10-15 минг сўм холос.

Транспорт воситаларининг тўхташ бекатлари ногиронлар ҳаракатланишига мослаштирилмаган, ўриндиқлар йўқ, автобуслар бекатдан анча нарида ҳам тўхтайверади. Республикамизда ногиронларни ҳайдовчиликка ўқитадиган муассасалар йўқ. Ногиронлар автомобиль ҳайдашни ўрганолмай, ҳайдовчилик гувоҳномаси ололмай қийналишади. Автомобиль эса уларга сув ва ҳаводек зарур. Охирги 15 йил давомида республикамизга қўлда бошқариладиган автомобиль олиб келинмаяпти.

Болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига коммунал хизматлар тўловини тўлашда имтиёзларни қўллаш бўйича қонунчиликка зарур ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти 1991 йилда ташкил қилинганига ва жамиятга идора учун бино ажратиш ҳақида қарор борлигига қарамай ҳалигача жамият ўз биносига эга эмас. Ташкилотимиз Тошкент шаҳрининг бир четида жойлашган бўлиб, транспорт бекатидан ҳам анча йироқда.

**Алишер ИНОҚОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ижтимоий ёрдам ва қўллаб-кувватлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи:**

— Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда вилоятларда 12 та реабилитация марказлари фаолият кўрсатмоқда. Германиялик ҳамкасбларимиз билан қатор йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз.

Биз илгари ҳар йили 1000 дона ногиронлар аравачасини унга муҳтож кишиларга совға қилардик. Ҳозир эса йилига 3000 дона тарқатяпмиз. Бу ҳам кам. Жойлардаги раҳбарлар ҳам бу масалага жиддийроқ эътибор қаратиши керак. Бу ишга кўпроқ ҳомийлар жалб қилинса яхши бўларди.

**Савол:** Ногиронлик аравачаларини олиш тартиби қандай?

**Жавоб:** Ногиронлик аравачаларини бепул олиш тартиби «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган. Ногирон киши маълум бир ҳудудда истиқомат қилади ва шу ердаги поликлиникада рўйхатда туради. У шу поликлиниканинг махсус йўлланмаси билан ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиши ва ногиронлик аравачасини олиши мумкин.

**Савол:** Агар ногирон ўрнидан туролмаса, юролмаса, аравачани олиш учун нима қилиши керак?

**Жавоб:** Унда поликлиника ходимлари уни уйида даволашга мажбур. Ижтимоий таъминот бўлими ходимларини ҳам уйига чақириши керак. Улар беморнинг аҳволи билан танишиб, керакли ёрдамни кўрсатади.

**Савол:** Ногиронларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан қандай ишлар олиб борилмоқда?

**Жавоб:** Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қўшма буйруқ чиқардик. Эндиги вазифамиз амалий ҳаракатдир.

**«Давра суҳбати» иштирокчиларидан бири, иккинчи гуруҳ ногирони:**

— Ҳар ойда ойлик йўл чиптасини сотиб оламан. Лекин, буни менинг ойлик даромадим кўтармайди. Жамиятимиз қошида

5

компьютер маркази очилган. У ерда асосан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари таҳсил олади. Улар транспортда юришга қийналмоқда. Чунки, биномиз олдида негадир жамоат транспортлари тўхтамайди. Ногиронларнинг ногирон эканлиги қўлидаги қўлтиқ таёғидан шундоқ кўриниб турсада, кондукторлар уларга қўпол муомалада бўлиб, йўл ҳақини тўлашга мажбур қилади.

Мен бугун айтилган гаплар шу ерда қолиб кетмасдан, ногиронларнинг қўшимча имтиёзлари билан боғлиқ масалаларни Олий Мажлисда кўтаришларингни хоҳлардим.

**Салоҳиддин АСОМИДДИНОВ, «Тошшаҳарйўловчитранс» Акциядорлик компанияси Автосаноат бошқармаси бошлиғи:**

— Бизнинг компаниямиз ўз ҳолича ҳеч кимга имтиёз бера олмайди. Агар масала парламентда кўриб чиқилиб, қонунда ўз аксини топса, кейинчалик биз шунга қараб иш юритамиз.

Яқинда Молия вазирлиги махсус мониторинг ўтказди. Компаниямизга бир ойда 3 миллиард сўм тушум тушгани билан биз бир ойда 800 миллион сўм зарар кўрамиз. Буни қонун бўйича Молия вазирлиги қоплаши керак. Шунинг учун шу мониторинг ташкил қилинди ва ҳар битта жамоат транспортига 3 тадан кузатувчи чиқди. Улар бизнинг ходимларга халақит бермасдан вазиятни холис кузатди. Илгари транспортга чиқадиган ҳар 100 нафар йўловчидан 30 нафари нақд пул тўлаган бўлса, мониторинг ўтказилган кунлар 18 нафари нақд пул тўлади.

Биз бир масалани олдин ҳам бир неча бор кўтарган эдик. Компаниямиз фақатгина қалбаки ҳужжатларнинг ўзидан бир ойда 20 миллион сўм зарар кўради.

Энди баъзи ҳайдовчилар ногиронларга қўпол муомалада бўлади, деган фикрга тўхталадиган бўлсам, шундай воқеалар бўлиб туради. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоат транспорти бошқарув идораларида шикоят ва таклифлар учун ишонч телефонлари жорий этилмоқда. Ҳайдовчи ёки чиптачи томонидан ҳуқуқингиз поймол этилганда бизга хабар беринг, ўзимиз тегишли чораларни кўрамиз.

**Изидор КОЧМАРИК, ЎзХДП МК котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси:**

— Мана, бугун бу ерда жуда кўп муаммолар кўтарилди. Биз уларнинг барчаси мамлакатимиз қонунларида ўз аксини топишининг тарафдоримиз ва шунга ҳаракат қиламиз. Ногиронларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари бизнинг партиямиз Дастурида ўз аксини топган ва сайловолди платформасидан ҳам жой олади. Биз ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш йўлларини топишда мутахассисларни жалб этиб, ижобий натижаларга эришамиз, албатта.

**Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда ногиронлар учун тиббий хизмат соҳасида қонунчиликда назарда тутилган имтиёзларни амалга ошириш, пенсия, нафақа ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг ўз вақтида тўлиқ ҳисобланиши ва тўланишини таъминлаш, маиший хизмат, кутубхона ва бошқа маданият муассасаларидан фойдаланишдаги имкониятлари борасида ҳам кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Шавкат АКРОМОВ олган сурат**

6

*Иқтисодиёт ва ислоҳот*

# ЙЎЛОВЧИНИНГ КАЙФИЯТИ ЧОҒ

## «ЮРСАНГ «ТОШКЕНТ — БУХОРО — ТОШКЕНТ» ЙЎНАЛИШИ БЎЙЛАБ ҚАТНАЁТГАН ПОЕЗДДА ЮР...»

(одамларнинг гап-сўзларидан)

Иш юзасидан Бухорои Шарифга йўлимиз тушди. Сафарга поездда борадиган бўлдик. Вагон пиллапояси ёнидаги аёлнинг исми ҳам жисмига монанд — Табассум экан. У Бухорога бора-боргунимизча барча йўловчилардан хабар олиб турди... Купеларнинг тозалигию бежиримлигини айтмайсизми? Йўловчиларга ғамхўрлик, чой, вагон-ресторан...



Қўшни вагонлардаги йўл кузатувчилари — ака-ука Асатилла ва Қудратилла Аҳмедовлар ўз ишининг усталари... Поезд бошлиғи Ҳусан Ражабов ҳаммага бош-қош. У доим одамларнинг манзилларига эсон-омон етиб олиши ташвишида...

— Бухоро минтақавий темир йўл узели — Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳудудида фаолият олиб боради, — дейди **темир йўл вокзали бошлиғи Ашур Ашуров.** — Узелнинг «пўлат из»лари узунлиги — 1220 километр. Таркибига Туркманистон билан чегарадош Хожидавлат ва Қоровулбозор, Мароқанд, Қарши, шунингдек, Приуралск узелига олиб чиқишни таъминловчи Бўзаубай сингари маҳаллий аҳамиятга молик станциялар киради.

Минтақавий темир йўл узели таркибида 60 станция бўлиб, уларнинг 31 таси техник, 29 таси тарифли ҳисобланади, — давом этди у. — Узел бутун мамлакатимиз темир йўл тизимининг аниқ маромда ишлашига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бухоро, Самарқанд ва «Тинчлик»да локомотив деполари ишлаб турибди. Самарқанд ва Бухорода вагон депоси бор. Ўзбекистон ёнилғи-энергетика саноатининг байроқдори — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Бухоро вокзалига келсак у — мамлакатимиздаги энг кекса муассасалардан бири. Бунёд этилганига юз йилдан ошди. Бир неча бор таъмирланди. Бироқ у ҳозир замон талабларига жавоб бера олмаса-да, муваффақиятли ишлаб турибди. Ҳар куни 15 та вагонга 450-500 тадан чипта сотамиз.

Ҳа, Бухоро — Қоровулбозор поезди мунтазам қатнаб турибди. Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан тузилган шартномага кўра ҳар куни 81 ишчи заводга эрталаб олиб келиниб, кечқурун яна олиб кетилади. «Бухоро — Олот», «Бухоро — Хожидавлат — Олот» поезди ҳам йўловчилар хизматида. «Бухоро — Самарқанд», «Бухоро — Қарши» поездларининг мижозлари эса тобора ошиб бораётир.

Вокзалда йўловчилар учун барча шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ерда ошхона-буфет, тиббий хизмат бўлимлари, телефон, ёш болали оналар ва кексалар учун махсус хоналар, юк сақлаш омборлари — хизматга шай. Чипта сотиш кассалари туну кун очиқ.

Яқинда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Очилбой Раматов Бухоро вокзалига келиб, бу ердаги ходимлар ишига юксак баҳо берди ва бу ерда янги вокзал биноси бунёд этилишини ҳамда унинг лойиҳа-смета ҳужжатлари аллақачон тайёр бўлганлигини айтди. Демак, яқин келажакда Бухорода ҳам қўшни Самарқанддаги сингари замонавий вокзал бунёд топади.

Вокзал жамоаси даромад топиш ва йўловчи ташиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Ўтган етти ой ичида 684.927.980 сўмлик хизмат кўрсатилди. 216087 йўловчи манзилига етказиб қўйилди.

Бухоролик темир йўлчилар нияти — йўловчиларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатишга эришиш.



*Муаллифлар олган суратлар*

**Суратларда:** 1. Вагон кузатувчиси М.Эгамбердиева ва Бухоро темир йўл вакзали бошлиғи А.Ашуров; 2. Вагон кузатувчилари Қ.Аҳмедов ва Т.Ҳасанова.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

XORIJDA

## КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАВСИЯ ЭТМОҚДА

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл баёнот беришича, Япония БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиши учун мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритиши керак. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Давлат котибининг фикрича, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиш учун ҳаракат қилаётган Япония ҳарбий операцияларда иштирок этиш доирасини кенгайтириши, унинг барча мажбуриятларини бажариши даркор. Бироқ Япония Конституцияси бунга монелик қилади.

Пауэллнинг сўзларига қараганда, иккинчи жаҳон урушидан сўнг қабул қилинган мамлакат Конституциясининг 9-моддасини Япония қайта кўриб чиқиши керак. Ушбу моддага кўра, мамлакат урушларда қатнашмайди. Ҳарбийлар фақат мамлакатни ҳимоя қилиш учун сақланади. Шунинг учун ҳам Япония Ироққа фақат мамлакатни қайта тиклаш учун ҳарбий контингент жўнатди, улар ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмайди.

Конституцияга ўзгартириш киритиш ёки киритмаслик япон халқининг ихтиёрида, дея қўшимча қилди Пауэлл Япония оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида.

Яна бир гап. Мамлакатда чоп этиладиган Mainichi Shimbun газетаси май ойида бу борада сўров ўтказган эди. Сўровда қатнашган қонуншуносларнинг 78 фоизи Конституцияга айрим ўзгартиришлар киритилишига хайрихоҳлик билдирган бўлса, ўша қонуншуносларнинг 70 фоизи Пауэлл назарда тутган 9-моддага ўзгартириш киритиш масаласига қатъий қарши фикр билдиришган.

## РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Якшанба куни Венесуэлада амалдаги Президент Уго Чавесни муддатидан аввал истеъфога чиқариш ёки чиқармаслик масаласи бўйича умуммиллий референдум бўлиб ўтганди. Кеча унинг натижаси эълон қилинди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картер ва Америка давлатлари ташкилоти бош котиби Сесар Гавириа етакчилигидаги халқаро кузатувчилар референдум қонун-қоидага мувофиқ ўтганлигини таъкидлаб, унда мамлакатнинг амалдаги Президенти Уго Чавес ғалаба қозонганлигини тасдиқладилар.

Миллий сайлов кенгашидан маълум қилишларича, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 14 миллион венесуэлаликнинг 58,25 фоизи Уго Чавес учун овоз бердилар. Демак, энди Чавес президентлик муддати тугагунга қадар, яъни 2007 йилгача давлатни бошқаради.

41,74 фоиз референдум иштирокчиси эса Чавес раҳбарлигига қарши овоз бердилар.

Мухолифатчи кучлар ўз мағлубиятини тан олмаяптилар. Улар бюллетенларни қўлда санаб чиқишга эришиш йўлида саъй-ҳаракат қилажагини билдирдилар.



*Бельгия. Анҳор бўйида.*

## ҚУМУРСҚАЛАР БОСҚИНИ

Даҳшатли фильмларда кўрардик: миллионлаб-миллиардлаб ҳашаротлар галаси бутун-бутун шаҳарларга бостириб кирганини. Энди бу кўргулик ҳаётда ҳам учрамоқда.

Гап шундаки, Австралиянинг Мельбурн шаҳри қумурсқаларнинг жуда катта галаси босқини хавфи остида турибди. Аниқроғи, 60 милга (100 километр атрофида) чўзилган қумурсқаларнинг улкан колоннаси шаҳар томон ҳаракатланмоқда.

Бу ҳашаротлар одамларга безарар. Лекин, — дея хабар беради The Guardian, — табиатда экологик мувозанатни бузиши аниқ. Улар фермалардаги жўжаларга қирон келтириши мумкин.

Монаш университети тадқиқотчилари таъкидлашларича, 1930 йилда Жанубий Америкадан Австралияга қандайдир йўллар билан келиб қолган бу қумурсқаларнинг бундай улкан «супер колонна»си пайдо бўлишига, яъни генетик тез кўпайишига «ўзлари билан ўзлари ўртасида ҳужумлар уюштирилмаслиги, бир-бирига кушанда бўлмаётгани» сабабдир. Шунинг учун ҳам улар эндиликда жуда кўпайиб, ҳатто катта шаҳарга ҳам хавф солмоқда.

## ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Украина кўмир конларида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузгани учун мингдан ортиқ кончи маъмурий жавобгарликка, 43 нафар кон раҳбари эса иқтисодий жаримага тортилди. «Қоидалар бузилганлиги аниқланган фактлар бўйича 1016 нафар кон ишчиси маъмурий жавобгарликка тортилди» дейилади Украина меҳнат муҳофазасини назорат қилиш бўйича давлат қўмитаси матбуот хизмати ахборотида.

«Новости» агентлиги хабар беришича, конларда текшириш ўтказиш 26 июлда «Краснолиманская» конида юз берган ҳалокатдан сўнг қатъий белгиланган эди.

## НОС ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Туркманистонда Президент фармонига кўра, жамоат жойларида, яъни вазирликларда, муассасалару идораларда, ташкилотлару корхоналарда, ҳарбий қисмлару чегара бўлинмаларида, барча ўқув юртларию болалар муассасаларида, театрлару клубларда, жамоат ва хусусий транспортларда, савдо шахобчаларию истироҳат боғларида нос чекиш тақиқланди. Шунингдек, барча савдо шахобчаларию бозорларда нос сотиш ҳам ман этилди. Фақат шаҳардан ташқаридаги мол бозорларидагина унинг савдосига рухсат берилди.

Тиббиётчиларнинг маълум қилишларича, Марказий Осиёда «оғиз бўшлиғи ва ҳиқилдоқ саратони» касаллигига йўлиққанларнинг 80 фоизи нос истеъмол қилади.



Маълумки, нос оғиздаги сўлак безларига салбий таъсир этади.

— Фармонда айтилишича, — дейилади «Интерфакс» агентлиги ахборотида, — кимки бу қоидани бузса, энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида (500 минг манат — 85 доллар) жаримага тортилади. Белгиланмаган жойда нос савдоси билан шуғулланган киши эса энг кам иш ҳақининг тўрт баравари (170 доллар) миқдорида жарима тўлайди.

## САТУРН ЙЎЛДОШЛАРИ КЎП ЭКАН

АҚШ Миллий аэрокоинот агентлиги — NASAнинг маълум қилишича, Сатурн сайёрасини тадқиқ этаётган Cassini фазовий аппарати аввал фанга номаълум бўлган иккита йўлдошни кашф этган. MSNBC.com. сайтидаги ахборотда ёзишларича, Сатурннинг ушбу икки йўлдоши жуда кичкина бўлиб, айланаси 3-4 километр масофага эга, сайёрадан эса 194-211 километр узоқликда жойлашган. Олимларнинг фикрича, бу йўлдошлар тош жисмлари ва муздан таркиб топган. Шундай қилиб, Сатурн йўлдошлари сони 33 тага етди.

Олимлар учун кутилмагани шу бўлдики, одатда бундай кичик йўлдошлар ташқи фазовий объектлар «ҳужуми»дан ҳимояланган бўларди, яъни сайёрага яқин жойлашарди. Бу икки йўлдош эса Сатурннинг катта йўлдошлари орбитаси оралиғида жойлашган. Уларда кометалар билан тўқнашиб кетиш эҳтимоли кучли.

Эслатиб ўтамиз: Cassini фазовий аппарати шу йил июнь охирида Сатурнга етиб борган. У 1997 йили NASA ҳамда Европа ва Италия коинот агентликлар билан ҳамкорликда учирилган.

## ЯНГИ ТУРДАГИ ҚУШ ТОПИЛДИ

Филиппин шимолидаги Калаян оролида янги турдаги қуш топилди. У орол номи билан аталмоқда.

AFP агентлиги маълум қилишича, Филиппин ва Буюк Британия олимларидан иборат экспедиция учратган ушбу қуш қора-жигар рангда бўлиб, қарға билан тенг ҳажмга эгадир. Ҳозирча фанга номаълум бу қуш, шу пайтгача жаҳон орнитологлари эътиборига тушмаган.

# ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР АФИНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ



Грецияда ўтаётган XXVIII ёзги олимпиада баҳслари тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Ҳозиргача сузиш, спорт гимнастикаси, милтиқдан ўқ отиш, дзюдо (айрим вазнлар) сингари спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланган бўлса, яна бир неча кундан сўнг синхрон сузиш, енгил атлетика, замонавий бешкураш, эркин ва юнон-рум кураши, бадиий гимнастика баҳсларига ҳам старт берилади.

Тақвимга кўра, енгил атлетика бўйича асосий мусобақалар эртага бошланади. Олимпиадага ўн бир нафар енгил атлетикачимиз йўлланмани қўлга киритган. Улар орасида Эркин Исоқов, Виталий Смирнов, Леонид Андреев, Лилия Дусметова, Гузел Хуббиева, Замира Амирова сингари қитъамиз етакчи спортчиларининг борлиги, айниқса қувонарлидир.

17 август куни ўн нафар енгил атлетикачи ва икки мураббийдан иборат навбатдаги спорт делегациямиз



Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Тошкент халқаро аэропортидан Афинага жўнаб кетди.

— Олимпиадада фақат кучлилар қатнашади, — дейди халқаро тоифадаги спорт устаси **Эркин ИСОҚОВ**. — Илк маротаба 2000 йили Сиднейда ўтган Олимпия ўйинларида иштирок этгандим. Ўшанда 800 метрга югуриш баҳсларида менга омад кулиб боқмаганди. Ўтган тўрт йил давомида ўз устимда жиддий ишладим. Осиё чемпионати ва қатор халқаро турнирларда муносиб қатнашдим. Худо хоҳласа, Афинада кучлилар қаторига кириш учун бор маҳорат ва имкониятимни ишга соламан.

**Суратда:** Афинага йўл олган спорт делегацияси аъзоларидан бир гуруҳи

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

**Хайрия тадбири**

# ОЛМОНИЯДА ДАВОЛАНАДИ

Кеча Тошкент халқаро аэропортидан бир гуруҳ ногирон болалар Германияда даволаниш учун жўнаб кетдилар. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан чет эл шифохоналарида ўзбекистонлик ногирон болаларни даволашни амалга ошириш бўйича уч томонлама ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Шунга биноан, хайрия жамғармаси ҳамда германиялик мутахассислар вилоятлардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги ногирон болаларнинг хасталикларини ўрганиб чиқдилар. 10 нафар бола Олмониядаги клиникаларда оператив ва стационар тарзда даволанишга танлаб олинди. Улар тўлиқ даволаниб қайтадилар.

— Германияликлар билан хайрия тадбирининг биринчи босқичи 2002 йил августида бошланганди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — Шу пайтгача, 28 нафар бемор бола даволаниб, соғайиб қайтдилар.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти вакиллари бу сафар Афғонистон, Тожикистон ҳамда Грузиядан ҳам бир неча ногирон болаларни олиб кетишяпти. Душанбедан учган самолёт Тошкент аэропортига қўниб, сўнгра Тибилисига парвозини давом эттиради ва Дюссельдорфга қўнади.

**Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ҚОРАҚАЛПОҚ РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

Шу йилнинг март ойида Москва шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси таъсис этилган эди. Жамғарма томонидан уюштирилган илк тадбирлардан бири Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов қаламига мансуб «Письма на тот свет. Дедушке» («У дунёга, бобомга хатлар») китобининг тақдимоти бўлди. Тез орада муаллиф ушбу асари учун М.Шолохов номидаги халқаро мукофотга лойиқ деб топилди.

Форум тадбирлари доирасида яқинда Москвадаги Марказий рассомлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибой Изентаев асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Кўргазма очилиш маросимида иштирок этган Россия зиёлиларининг вакиллари қорақалпоқ рассоми ижод намуналарига юқори баҳо беришди. Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси ижроқўмининг раиси М.Фаткулин, ушбу конфедерациянинг ўзбек адабиёти кенгаши раиси Г.Резниченко, ҳаёт ва ижод йўллари узоқ йиллар давомида ўзбек замини билан боғлиқ бўлган рассом В.Корнилов эса Ж.Изентаев асарлари замонавий қорақалпоқ тасвирий санъатининг ёрқин кўринишини ўзида мужассам этганини таъкидлашди.

Мутахассисларнинг фикрича, рассомнинг «45-йил аёллари», «Тўй», «Амударё қирғоғида», «Ажиниёз портрети» ва «Баҳор афсонаси» асарларида мавзуга чуқур кириб бориш яққол кўзга ташланиб туриши билан бир қаторда, уларнинг фалсафий мазмуни кишини ҳайратга солади.

***Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА, Москва***

**Янги нашр**

# ЖУРНАЛНИНГ ИЛК СОНИ

Мамлакатимизда яна бир нашр «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналининг дастлабки сони босмадан чиқди.

Янги журналнинг таъсис этилиши Ўзбекистон Фанлар академияси, шунингдек, Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти маъмурияти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг саъй-ҳаракатлари ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қўллаб-қувватлашининг ижобий натижаси бўлди.

Журналнинг илк сонида 30 дан ошиқ турли мавзудаги илмий мақолалар жой олган. «Фан ҳақида ўйлар» рукни остидаги «Фалсафанинг бугуни ва истиқболи», Шарқ ва Ғарб фалсафасига доир «Ғоявий таъсир ва маънавий уйғониш», «Метафизика таълимот ва услуб сифатида», «Шарқ фалсафий герменевтикаси» ҳамда «Терроризм: фалсафий нигоҳ» сингари мавзуларда чуқур мазмунли мақолалар берилган.

Шунингдек, «Фанимиз пойдевори» рукни остида Милет мактаби файласуфларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий қарашлари билан бирга жаҳон фалсафасининг пойдеворини қўйган қадимги Марказий Осиё фалсафаси, айниқса, «Авесто» китоби ва Ал-Бухорий тўғрисидаги мақоланинг берилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлган.

Айни бир пайтда, журналнинг навбатдаги сонларини нашрга тайёрлаш жараёнида қуйидаги таклифлар эътиборга олинишини истар эдик.

**Биринчидан,** журнал республика бўйича файласуф ва ҳуқуқшунос олимлар учун чиқарилган, деб ҳисобласак, унинг навбатдаги сонларида Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходимларидан ташқари бошқа Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, соҳа вазирликлари масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчиларнинг мақолаларига янада кўпроқ ўрин берилса, айни муддао бўларди.

**Иккинчидан,** журналнинг ҳар бир сонида баҳсли, мунозарали, мулоҳазали ижтимоий-фалсафий мақолаларни мунтазам бериб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги пайтда фалсафа фанида ҳам, ҳуқуқ фанида ҳам баҳсли, мунозарали муаммолар анчагина тўпланиб қолган.

**Шунингдек,** фалсафанинг муаммоларига бағишланган ўта масъул мавзуларни етакчи, етук файласуф олимлар томонидан ёзилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада журналнинг нишона сонида таниқли олим О.Файзуллаевнинг «Фалсафанинг бугуни ва истиқболи» мавзуидаги мақоласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Умуман, «Фалсафа ва ҳуқуқ» журнали юртдошларимизнинг тафаккурини ўстириш, фалсафий муаммолар устида баҳс юритиш учун катта имкониятлар яратади, деб умид қиламиз.

**Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг раиси, академик**

# ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

◆ Афинада қиличбозлик бўйича ҳам кучлилар сараланмоқда. Сабля баҳсларида америкалик Мариэль Загунис олтин медалга сазовор бўлди. Эътироф этиш керакки, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олганига юз йил бўлган мазкур тур бўйича АҚШ вакили илк маротаба чемпионлик унвонини қўлга киритди.

◆ Дзюдо беллашувларида Греция шарафини ҳимоя қилган асли грузиялик Илиас Илиадис (81 кг.) шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. У финалда украиналик Роман Гонтюкни енгди. Мусобақалар якунида олтин медаль билан тақдирланган Илиас маҳаллий телевидение ходимларига грузин тилида интервью берди. Ўн саккиз ёшли бу дзюдочининг дўстлари билан рус тилида сўзлашганлиги кўпчиликни ҳайрон қолдирмади. Чунки, Илиадиснинг Афинага ташриф буюрганига эндигина беш ой бўлган ва у ҳали грек тилини ўрганишга улгурмаганди.

◆ Ер куррасининг энг нуфузли ушбу Олимпия ўйинлари ўтаётган кунларда Афина кўнгилсизликлардан буткул ҳоли, деб бўлмайди. Жумладан, Олимпиада машъаласини манзилга етказиш чоғида грециялик олимпиячи Кентерис мотоциклда ҳалокатга учради. Шунингдек, маҳаллий полиция идораларининг берган маълумотига қараганда, сувга чўкиши натижасида хорижлик сайёҳлардан бири, парус спорти иштирокчиси, даниялик яхтачи Хольмнинг қўлида жон берган. Яна бир кўнгилсизликдан ирландиялик енгил атлетикачи Жейми Корстин жабр кўрган. Бундан икки кун илгари у ўтирган енгил автомашина бензин ташувчи юк машинаси билан тўқнашиб кетган. Натижада ирландиялик спортчи зудлик билан касалхонага ётқизилган. Гарчи, Корстиннинг соғлиги ижобий томонга ўзгараётган бўлса-да, шифокорлар унинг мусобақаларда иштирок этишига рухсат бермаяпти.

◆ 100 метрга брасс усулида сузиш мусобақаларида япониялик Косукэ Китадзима маррага биринчи бўлиб етиб келди — 1 дақиқаю 0,08 сония. Бу масофани ундан 0,17 сония кейин босиб ўтган америкалик Хансен кумуш медаль билан тақдирланди. Бронза медали ҳам АҚШ вакилига насиб этди.

Мусобақа якунлангач, америкаликлар Косукэ Китадзимани ғирромликда айблашди. Уларнинг таъкидлашларича, япониялик спортчи 100 метрлик масофани босиб ўтишда баттерфляй усулини ишлатган. Агар Халқаро сузиш федерацияси америкаликлар арзини ўрганиб, уларнинг шикоятларини тўғри, деб топса, олтин медаль Косукэ Китадзимадан қайтариб олинади.

# «ИНТЕРСПОРТ» — ЯНГИ ГАЗЕТА

Мамлакатимизда спортга ихтисослашган қатор газеталар чиқяпти. Аммо ҳар бирининг ўзига хос йўналиши бор. Яқинда нашрдан чиқа бошлаган «Интерспорт» газетаси кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Миллий олимпия қўмитаси муассислигида чоп этилаётган мазкур ҳафталик нашридан спорт оламида бўлаётган деярли барча муҳим янгиликлар ўрин олган. Хусусан, шу кунлардаги нашрларда олимпия ўйинлари кундалиги, Европа чемпионлар лигаси саралаш баҳслари каби халқаро мусобақалар батафсил ёритилган. Шунингдек, газета ҳар бир спорт турига ихтисослашган ҳолда ёндашади. Футбол, бокс, теннис, шахмат каби спорт турлари учун алоҳида саҳифалар ажратилган.

«Мамлакатимизда» рукни остида чоп этилаётган мақолаларда эса юртимиз спорт оламида рўй бераётган воқеалар қаламга олинади. Бундан ташқари, жаҳон спорти юлдузлари ҳаёти, рекордлар ва суратли лавҳалар ҳам мухлислар эътиборини қозониши шубҳасиз. Шундай экан, «Интерспорт» газетасини ўқинг.



*Ҳикматли сўзлар маъноси*

## ОЧКЎЗНИНГ ЎЗИ ТЎЙСА ҲАМ, КЎЗИ ТЎЙМАС

«Очнинг қорни тўйса ҳам, кўзи тўймас»; «Ўзи тўймаснинг кўзи тўймас»; «Оч тўяди, суқ тўймайди»; «Сўзига қарасанг — тўқ кўринар, кўзига қарасанг — оч кўринар»; «Ўзи эгарнинг қошида, кўзи — қозоннинг бошида» («Суллоҳ одам бирор жойга отлиқ борса, ҳали эгардан тушмай турибоқ, «Қани, нима овқати бор экан?», «Нима овқат қилаётган экан?» деган хаёлда икки кўзини ўчоқбошидан узмайди», дейилмоқчи); «Ақлли ўтга қарар, ахмоқ қозонга қарар» («Ақлли, сабр-қаноатли одам нафсини тийиб, овқат қилаётган одамга қарашади, ўтинини ёриб, ўтини ёқиб беради. Аҳмоқ очкўз, суллоҳ одам эса «тайёрга айёр» бўлади», дейилмоқчи); «Очотқи кўз ош ахтарар, ишчан қўл иш ахтарар»; «Очнинг кўзи экмакда, тўқнинг кўзи ҳикматда» (экмак — хамирни суюқ қилиб, қозонга солиб, димлаб ғуппак қилиб пиширилган нон. «Тўқ, маиший тарафи таъминланган одам бу ёғидан хотиржам бўлиб, маънавий тарафни кўзлайди. Оч одамнинг эса доимо эс-ҳуши бирор егулик нарсада бўлади», дейилмоқчи); «Очнинг кўзи нонда, тўқнинг кўзи томда»; «Ойда еган — тўқ бўлур, кунда еган — суқ бўлур» (Бунда «ойда еган» деганда қорни ҳар замонда бир тўйиб қоладиган камбағал, бева-бечоралар; «кунда еган» деганда бойлар назарда тутилган ҳамда: «Камбағаллар ойда есалар ҳам, бирор жойга борганларида, таниш ё нотанишлар дастурхони устида нафсларини тийиб, гарчанд оч бўлсалар ҳам ўзларини тўқдай тутиб, одоб сақлаб ўтира оладилар дейлмоқчи; «Қорнини тўйғазиш осон, кўзни тўйғазиш қийин»; «Одамнинг кўзи тупроққа тўяди» (Бу билан: На егулик-ичгуликка, на молдунёга тўймайдиган, еб тўймас, суллоҳ, очкўз одамларга қочирим қилинган.

## ПАРДОЗЧИНИ УЙИДА КЎР, ХОТИНИНГНИ ТЎЙДА КЎР

Бу билан: «Кўча-кўйда, зиёфату тўйда ясаниб-тусаниб, пардоз-андоз қилиб юрган бегона хотин-қизларни кўриб, «Оҳ, қандай кўркам, қандай гўзал, қандай чиройли экан-а!» деб, ўз хотинингдан кўнглинг совиб юрмасин. Ўша «пардозчи»ларни ҳам ўз уйида кўргин, биласан аслида қандай эканлигини! Ўз хотининг ҳам «уйчи кийимда», пардоз-андоз қилмай юрганда сенга кўримсиз бўлиб туюларди. Аммо, уни ҳам кийиниб-тараниб, тўйга борганда кўрсанг, биласан қандай гўзаллигини!» деган маънода хотинни қадрлаш, иззат-ҳурмат қилишга даъват этадилар. «Пардозни пардоз бузар» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Пардоз ҳаддан ташқари, ортиқча бўлса, кишининг асл ҳуснини бузиб қўяди кайтага», дейлмоқда.


# ХАЛҚ БАНКИНИНГ

*миллий валютадаги пул жўнатиш хизмат тури*

**республикамизнинг исталган ҳудудига пул ўтказмоқчимисиз?**

***Бунда Сизга Халқ банкининг филиаллараро «ТЕЗКОР» пул жўнатиш хизмати яқиндан ёрдам беради.***

**Сиз маблағингизни Халқ банкининг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.**

«**ТЕЗКОР**» — ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.

**Маълумот учун телефонлар: (371) 173-69-15, 173-69-16 (ички 126)**



## ИНФОРМАЦИЯ О ПРОВЕДЕНИИ ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «ТОШКЕНТ ГУРУЧ»

**23 августа 2004 года в актовом зале ОАО «Тошкент гуруч» в 10.00. по адресу г. Ташкент ул. М.Ашрафи, 106 состоится внеочередное общее собрание акционеров. Реестр акционеров закрыт на 17 августа 2004г.**

**Повестка дня:**

1. Утверждение распределения прибыли и выплаты дивидендов по итогам 2001-2003 гг. в размере 249418375 сум (5125 сум на одну акцию);
2. Реорганизовать общество в форме присоединения к ОАО «Тошкентдонмаҳсулот» согласно Постановления КабМина РУз. за № 367 от 06.08.04г.;
3. Утвердить Передаточный акт общества;
4. Утвердить Договор о присоединении ОАО «Тошкент гуруч» к ОАО «Тошкентдонмаҳсулот»;

Акционеры могут ознамокмиться с информацией по подготовке к проведению собрания в Наблюдательном совете ОАО «Тошкент гуруч» по адресу: г.Ташкент ул. М.Ашрафи, 106.

Повестка дня включает вопрос при котором возникает право требования выкупа акций. Регистрация акционеров и их представителей производится с 08-00. согласно удостоверений личности (при себе иметь паспорт).

**Наблюдательный совет ОАО «Тошкент гуруч»**



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



***«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.***

**Маҳсулот сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru


Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 250-умумтаълим мактаб томонидан 2002 йил 20 июнда Абрамянц Елена Сергеевна номига берилган O`R-E № 0171209 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Sohibjon SALIMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 961
**7748 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti —
1 . 3 4 5 6


**SOTUVDA ERKIN NARXDA**